

Ўзбекистон Республикаси бюджет
 тизими бюджетларининг газна
 ижроси қондаларига
 8-илова

2022 й. «18» август Навоий шаҳар МТБ ва Эверест Сарлочин МЧЖ ўртасида
 427 959 536 сўм умумий суммага тузилган 58-сонли шартнома

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 7091, 100, 251
 Шахсий газна ҳисобварақ 401722860124017091100251005.

(сўмда)

2022 й. ойлар номи	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4 239 000			
Январ				
Феврал				
Март				
Апрел				
Май				
Июн				
Июл				
Август	427959536,00			427959536,00
Сентябр				
Октябр				
Ноябр				
Декабр				
Жами йил бўйича	427 959 536,00			427 959 536,00

Жами : 427 959 536 (турт юз йигирма етти миллион тўққиз юз эллик тўққиз минг беш юз ўттиз олти) сум
 сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан %*** олдиндап 2022 йил
 ойда тўланиши лозим.

(*)-бюджет ташкилоти бюджет маблағ олувчи ва БМДЖ маблағ олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада
 такдим этилади;

(**) – бўлим, боб, параграф ва харажатлар моддаси кўрсатилади;

(***) - Юқоридаги кўрсатилган суммадан оинга _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим
 (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағ олувчи ва БМДЖ маблағ олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш,
 алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш
 шартномалари бўйича олдиндан тўловли амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

Д.Жураева

Буюртмачи бош ҳисобчиси

М.А.Ахмедова

Газначилик бўлинмаси

Бюджетдан маблағ олувчи

ходими қабул қилди _____

ходими қабул қилди _____

2022 й. « _____ »

2022 й. « _____ »

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 58

Навоий шаҳар

2022 йил 18 Август

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Навоий шаҳар МТБ номидан «Низом» асосида иш кўрувчи раҳбар Д.Жураева бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "Эверест Сарлочин" МЧЖ номидан «Устав» асосида иш кўрувчи Д.Б.Юлдашева иккинчи томондан, бўйича қуйидаги шартномани туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган қурилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нарҳини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Навоий шаҳар 4-ДМТТ биноси иссиқлик тизми жорий таъмирлаш ишлари лойихада кўзда тутилган ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, электрон танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "15" августдаги баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда (КҚС) жорий нарҳларда 427 959 536 (тўрт юз йигирма етти миллион тўққиз юз эллик тўққиз минг беш юз ўттиз олти) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди (қонунда қўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нарҳларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг қучлари ва/ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

қурилиш майдони қуриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда рўйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб; кейинчалик ЭАВга конвертация қилган холда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан ___ кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (ўттиз) фоизи миқдоридан аванс ўтказиши, бу 128 387 860.80 (бир юз йигирма саккиз миллион уч юз саксон етти минг саккиз юз олти миш) сўм 80 тийин ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) ҳамда назорат қуригидан ўтказилгандан сунг амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига асосан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риюя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

Ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишнадзорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи

Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош торгунлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош торгун сумманинг 0,5 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва қачилиқлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

ХIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

XV. Тарафларнинг коррупцияга қарши қурашиш бўйича маъсулияти.

50. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши қурашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

51. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

52. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қурашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

53. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг хар қандай шаклини рад этадилар. жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларида пул маблаглари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига хар қандай ҳаракатни бажаришни.

54. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

55. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланган қоидалардан бири содир этилганда ушбу ҳаракат содир этилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор этилмайдиغان далиллари мавжуд бўлганда, шартнома

тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

60. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

61. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

62. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги қонунларга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

63. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни асосланган ҳолда расмийлаштирилиши ва амалдаги қонунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

64. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

65. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

66. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

67. Шартнома имзоланиб, Навоий шаҳар Ҳазначилиқдан руйхатдан утгандан сунг қонуний кучга киради ва амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача ҳисобланади.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

ПУДРАТЧИ

“Эверест Сарлочин” МЧЖ
Юридик манзилгоҳ; Навоий вил
Навоий ш М.Таробий 111а-3
ТЕЛ:
Х\р:20208000604997361001

Банк номи ҚҚБ Навоий вил
Банк коди(МФО) 01037
ИНН 302373057
ХХТУТ _____
КТУТ _____

Раҳбар Д.Б.Юлдашева
(Ф.И.О.)

Мухр ва имзо

БУЮРТМАЧИ

Навоий шаҳар МТБ
Юридик манзилгоҳ; Навоий ш
Шодлик-6 _____
ТЕЛ: 79-220-17-46 _____
ШХ/Р: 401722860124017091100251005
ШХ/Р: _____
Ташкилот СТИР 305163782
ХХТУТ _____
КТУТ _____

Ҳазначилик булими: Уз.Рес.Молия ваз Ҳазначилиги
Ягона ғазна ҳисоб варағи
Ҳазначилик х\р:23402000300100001010
Банк номи Тошкент ш. Марказий банк
Банк коди(МФО) 00014
Ҳазначилик СТИРи: 201122919
Раҳбар Д.Жураева
(Ф.И.О.)



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUNCHILIK
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**
№

1. Loyihaning turi:

Xojalik shartnomasi

2. Loyihaning nomi:

Pudrat shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Navoiy shahar maktabgacha ta'lim bo'limi

17.08.2022 yil

Huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

XULOSA:

Navoiy shahar maktabgacha ta'lim bo'limi va "Everest Sarlochin" MCHJ o'rtasida umumiy summasi 427 959 536 (to'rt yuz yigirma yetti million to'qqiz yuz ellik to'qqiz ming besh yuz o'ttiz olti) so'm bo'lgan pudrat shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Budget kodeksi, O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-son Qonuni talablari asosida tuzilmoqda.

Taraflarning javobgarligi me'yori va nizolarni hal etish tartibi qonunchilikka, xususan O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni talablariga mos keladi.

Shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



L.Mirjonov
22.08.2022 yil

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 130274 на приобретение Навоий шаҳар 4 ДМТТ биноси жорий таъмирлаш ишларини бажариш

Способ проведения электронный

Дата 15.08.2022

Время рассмотрения 15.08.2022 14:27

Конкурсная комиссия МТБ марказлашган хисобхона, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	Жураева Дилнавоз Ибрагимовна	Навоий шаҳар МТБ мудир	Навоий шаҳар МТБ
Секретарь комиссии	Шомуродов Жалил Жамолович	ДХ ва шартномалар буйича ҳисобчи	Навоий шаҳар МТБ
Член комиссии	Ахмедова Мархабо Аслоновна	Бош ҳисобчи	Навоий шаҳар МТБ
Член комиссии	Сапаев Икром Тошпулатович	ҳисобчи	Навоий шаҳар МТБ
Член комиссии	TAYIROVA AZIZA BAHTIYAROVNA	ҳисобчи	Навоий шаҳар МТБ
Член комиссии	Мамаюсупова Хабиба Исроиловна	методист	Навоий шаҳар МТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.08.2022 года № лота 130274.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 65

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту котельной и отопительной системы
Подробное описание	4 ДМТТ биноси иссиқлик тизми жорий таъмирлаш ишларини сифатли ва қисақа муддатда бажариш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	450 483 722.00
Стартовая сумма	450 483 722.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Мазкур иш бажариш йўналиши бўйича амалга оширган фаолияти камида 3 йил бўлиши шарт. бажарилган ишлар форма 2-3 ҳамда шартномалар тулик маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Мазкур иш бажариш йўналиши бўйича амалга оширган фаолияти камида 3 йил бўлиши шарт. бажарилган ишлар форма 2-3 ҳамда шартномалар тулик маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TEMIR KAPITAL MONTAJ QIZILQUM	35	мавжуд	25	Экспертная		
REAL NEFTEGAZ TRANS MЧЖ	35	Маълумот илова қилинди	29	Экспертная		
ООО EVEREST-SARLOCHIN	35	мавжуд	27	Экспертная		
СП ТОЈИМАНАЛ 2018	35	Илова қилинди	27	Экспертная		
LEADER SERVICE NAVOI MЧЖ	35	Барчаси мавжуд	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №2 шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TEMIR KAPITAL MONTAJ QIZILQUM	40	мавжуд	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
REAL NEFTEGAZ TRANS MЧЖ	40	Маълумот илова қилинди	10	Экспертная		
ООО EVEREST-SARLOCHIN	40	мавжуд	30	Экспертная		
СП ТОЈИМАНАЛ 2018	40	Илова қилинди	20	Экспертная		
LEADER SERVICE NAVOI MЧЖ	40	Барчаси мавжуд	20	Экспертная		

Критерий №3 солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; молиявий ҳолат бўйича тулик маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; молиявий ҳолат бўйича тулик маълумотлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TEMIR KAPITAL MONTAJ QIZILQUM	25	мавжуд	5	Экспертная		
REAL NEFTEGAZ TRANS MЧЖ	25	маълумотлар илова қилинди	5	Экспертная		
ООО EVEREST-	25	мавжуд	25	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SARLOCHIN						
СП ТОЎИМАНАЛ 2018	25	Илова қилинди	20	Экспертная		
LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ	25	Барчаси мавжуд	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО EVEREST-SARLOCHIN	450 483 722.00	427 959 536.00 UZS	427 959 536.00	00.00	427 959 536.00	08.08.2022 22:53:08	30.00
СП ТОЎИМАНАЛ 2018	450 483 722.00	432 464 374.00 UZS	432 464 374.00	00.00	432 464 374.00	09.08.2022 06:17:01	29.69

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
TEMIR KAPITAL MONTAJ QIZILQUM	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ООО EVEREST-SARLOCHIN	57.4	30	87.4
СП ТОЎИМАНАЛ 2018	46.9	29.69	76.59
REAL NEFTEGAZ TRANS МЧЖ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ	Не прошел	Не прошел	Не прошел

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 130274 от 15.08.2022 года на приобретение Навоий шаҳар 4 ДМТТ биноси жорий таъмирлаш ишларини бажариш определила победителем:

ООО EVEREST-SARLOCHIN
302373057

и резервный исполнитель: СП ТОЎИМАНАЛ 2018 (305311574)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	Жураева Дилнавоз Ибрагимовна	Согласен	
Член комиссии	Ахмедова Мархабо Аслоновна	Согласен	
Член комиссии	Сапаев Икром Тошпулатович	Согласен	
Член комиссии	TAYIROVA AZIZA BAXTIYAROVNA	Согласен	
Член комиссии	Мамаюсупова Хабиба Исроиловна	Согласен	